# ОНА ХАЛҚИМ, ИСТИҚЛОЛ БОШИНГГА АБАД ТОЖ БЎЛСИН!


1925 йилдан чиқа бошлаган

ИЖТИМОИЙ – СИЁСИЙ ГАЗЕТА

# Туркистон

ЭЛИМ ДЕБ, ЮРТИМ ДЕБ ЁНИБ ЯШАШ КЕРАК

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1996 йил 17 август. Шанба.
№ 57 (14355)


*Диққат, кўрик-танлов*

## БИЗНЕС РЕЖАСИ

Сизнинг бизнес таклифингиз бўлғуси ҳамкорларингиз томонидан жиддий кўриб чиқилиши учун у сиздан техник иқтисодий асосланган ҳаракат дастурини олиши керак. Шу боис қуйидаги саволларга жавоб берган ҳолда, сиз бизга ўзингиз тузган бизнес режангиз даражаси тўғрисида бошланғич маълумотларни беришингизни сўраймиз.

Сизнинг танлов ҳайъатига топширган бизнес режангиз асосида биз фаолиятингиз жараёнини ўрганишимиз мумкин бўлади. Ғолибларни эса мукофотлар кутади. Жумладан,

*I ўрин учун 150 минг сўм*
*II ўрин учун 100 минг сўм*
*III ўрин учун 70 минг сўм мукофот тайинланган.*

Танлов шарти қуйидагича:

1. Ғоя ва таклифларингизнинг қисқа тавсифини беринг (4-6 варақ ҳажмида)__________

2. Маҳсулотингизни (ёки хизматингизни) қайси бозорда, қанча миқдорда ва тахминан қандай баҳоларда таклиф қилмоқчисиз?__________

3. Маҳсулотингиз (хизматингиз) тўғрисида иложи бўлса унинг тасвири билан аниқ маълумот беринг (3-4 варақ ҳажмида)__________

4. Сиз таклиф қилаётган маҳсулот (хизмат)ни бошқалар ҳам (ва қанча миқдорда) ишлаб чиқарадими?__________

5. Сизнинг маҳсулотингиз (хизматингиз) кимга мўлжалланган?__________

6. Қаерда ва қайси усул билан реклама ишларини олиб бормоқчилигингиз тўғрисида маълумот беринг.

7. Ишлаб чиқаришда сиз қўллаётган технологик тизим, маҳсулотингиз (хизматингиз) даражасини ва уни текшириб бориш усули ва ишлаб чиқариш вақтлари ҳақида маълумот беринг.__________

8. Ўз корхонангизнинг ташкилий структураси ва ким қандай вазифаларни бажариши тўғрисида маълумот беринг (1-2 варақ)__________

9. Сизнингча коммерция таваккалчилиги нима ва муваффақиятсизлик хавфига қарши қандай чораларни таклиф қиласиз?__________

10. Сиз ишни нима ёрдамида бошламоқчилигингизни кўрсатинг (кредит ёрдамида, акциялар ёрдамида, бошқа чоралар)__________

11. Илова қилинаётган ашёлар (ҳужжатлар) рўйхатини беринг__________

Танлов ҳайъатига юборилган қўлёзмалар қайтарилмайди ва уларга тушунтириш берилмайди.

Бизнес режани қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз: Тошкент шаҳри, 700011, Навоий кўчаси-11, Республика ёшларининг «Камолот» Жамғармаси бошқаруви.

## СЕМИНАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Аввал хабар берганимиздек, Тошкентда Жаҳон банкининг иқтисодий ривожланиш институти томонидан ташкил этилган «Ижтимоий сиёсат, дастурлар ва лойиҳалар» мавзуидаги ўқув семинари давом этмоқда. Семинарда МДҲга аъзо олти мамлакат ва мўғулистонлик мутахассислар қатнашяпти.

Семинар қатнашчилари турли гуруҳларга бўлиниб, республикамизнинг бир қанча вазирлик ва идоралари, шунингдек, давлатга қарашли бўлмаган ташкилотлар раҳбарлари билан учрашмоқда. Бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш жараёнида мамлакатимиз ҳукуматининг ижтимоий соҳадаги сиёсати ва бу борадаги амалий тадбирлар натижалари билан танишяптилар. Ана шундай учрашувлар ижтимоий таъминот ҳамда меҳнат вазирликлари, республика болалар жамғармаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Тошкент меҳнат биржаси ва бошқа ташкилотларда бўлиб ўтди.

Семинар қатнашчилари республика оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ҳам учрашиб, ўтиш даврини бошдан кечираётган мамлакатларда ижтимоий сиёсат, бу соҳадаги ислоҳотларни ёритишда журналистнинг ўрни ва вазифалари хусусида суҳбатлашдилар.

Ўқув семинар давом этмоқда.

(ЎзА).



Тўрткўл туманидаги «Шўрахон» ширкатлар уюшмасида шу кунларда ғўза қатор ораларига ишлов бериш қизғин олиб борилмоқда.
СУРАТДА: Илғор бригада бошлиғи Тоир МАТЁҚУБОВ ва уюшма раиси, Ўзбекистон халқ ноиби Азимбой АБДУКАРИМОВлар.

Сураткаш Р. ЖУМАНИЁЗОВ

*«Камолот» — ёшлар таянчи*

## САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

Республикамиз ёшлари ҳам истиқлол байрамининг беш йиллигини кўтаринки кайфият билан кутиб олмоқдалар. «Камолот» жамғармаси Сирдарё бўлими Германиянинг Конрад Аденаур жамғармаси ваколатхонаси «Тасис» маркази билан 1996 йил 3 июнь куни шартнома тузган эдилар. Айни кунда бу «Тасис» марказининг Смеда дастури бўйича иш олиб бораётган бўлими вилоят ёшлари учун тадбиркорлик ва ишбилармонлик малакаларини юксалтириш ҳамда хорижий мамлакатлар тажрибасини яқиндан ўрганишларига замин яратмоқда.

Бу ўқув курсларини ташкил этиш, моддий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш мақсадида «Камолот» жамғармаси вилоят бўлими ва «Бизнес фонд» бошқармаси доимий ўз ҳомийликларига олганлар. Шунингдек, жамғарма вилоят бўлими ташаббуси билан дастлабки «Камолот С» фирмасига асос солинди. Бу савдо тизими жамғарманинг 11 туман бўлими қошида ташкил этилиб, асо сан керакли техник молларини етказиш ҳамда аҳолига турли хизмат кўрсатишни амалга ошириш билан шуғулланади.

**Лайло НАЖМУЛЛО**

## ИШНИНГ КЎЗИНИ БИЛИБ...

«Камолот» жамғармаси Хива тумани бўлими хайрли бир ишни бошлади. Ёшлар тумандаги Феруз номли жамоа хўжалигида ёрдамчи хўжалик очишга муяссар бўлишди. Товуқчилик кичик фермер хўжалиги ташкил топди. Ҳозирги кунда унда мингдан зиёд товуқ боқиляпти.

Яқинда шу ҳудуддаги 5 гектар ер жамғарма ихтиёрига берилди. У ерга буғдой, шоли уруғи қадалди. Бўлимнинг келгусида режалари улкан. Бугунда новвойхона қурилиши ишлари бошлаб юборилган. Диққатлиси шуки, ун шу ернинг ўзида тайёрланади. Бунда 5 гектар ерда экиладиган ғалла асқотиб қолса ажабмас.

Ширапазлик, қандолатчилик кичик цехларини очиш мўлжалланмоқда. Жамоа хўжаликларидан шартнома асосида сут қабул қилинади. Шу боис қаймоқ тайёрлаш цехини ишга тушириш тараддуди кўрилмоқда.

Мазкур режалар амалга ошса, 30 нафар йигит-қиз учун ишчи ўринлари яратилади.

**Д. БЕКЖОНОВА**

*Газета тахламларини варақлаганда ёхуд бундан беш йил муқаддам*

## УМИДЛИ КУНЛАР ЯҚИН ЭДИ

1991 йил ёзининг сўнгги ойида пойтахтимизда Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон раҳбарларининг иккинчи учрашуви бўлиб ўтди. Бу воқеа барча жумҳурият халқларининг ва айни вақтда бутун минтақанинг манфаатларини ифодалади. Мустақил давлатлар иттифоқи тўғрисидаги янги шартнома устида зўр ғайрат билан олиб борилган иш ниҳоят тугаб, шартнома имзоланиш арафасида шундай қилиш муҳим бўлиб қолганди.

Ҳа, қайта қуриш бу пайтда бизни кўп синовлардан ўтказмоқда, одамлар ҳаёт — кураш эканлигини, ўзинг учун ўзинг ҳаракат қилмасанг, сен учун ҳеч ким ҳаракат қилмаслигини тушуниб етмоқда эдилар. Муҳими, бутун Ўрта Осиё ва Қозоғистон минтақасида қадимдан яшаётган халқлар қўлни қўлга берсалар кўп нарсага эришиш мумкинлигини амалда кўрдилар. Ўша кунлари кўҳна Тошкентимиз қўналғасидан бошлаб ҳамма кўчалар байрамлардагидек безатилганди. Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон давлат байроқлари ҳилпираб, шаҳримиз кўркига кўрк қўшди. Республикамиз Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек, бу учрашув минтақа жумҳуриятлари дўстлиги ва ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилди. Чунки бу вақтга келиб бозор муносабатларига ўтиш бутун минтақани оғир аҳволга солиб қўйганди. Бешта жумҳуриятнинг муаммолари ўхшаш бўлиб, уларни биргаликда куч-ғайрат билан ҳал қилиш лозим эди. Яна бир муҳим жиҳати, минтақа халқларининг кўп асрлик тарихи давомида тил, анъаналар муштараклиги таркиб топди. Энди уларни янада мустаҳкамлаб, ривожлантириш зарур эди. Хуллас, Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон Президентларининг учрашуви муҳим ҳужжатларни имзолаш билан якунланди.

Учрашувлар Юртбошимизнинг Ҳиндистон Вице-президентининг таклифига биноан Ҳиндистонга ташрифи билан уланиб кетди. Бу Ўзбекистон раҳбарининг чет элга қилган биринчи мустақил ташрифи эди. Шуниси қувончли эдики, бу ташриф Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасидаги бевосита алоқаларни янада юқорироқ поғонага кўтарди.

Атрофда қандай воқеа-ҳодисалар кечмасин, мозийдан бардошли, сабр-тоқатли, тинчликсевар ўзбек халқи жумҳурият равнақи йўлида тинмай меҳнат қиларди. Эндиликда улар эски йўлдан узоққа бораолмасликларини ҳис этмоқда эдилар. Не бахтки олис юлдуз шуъласидек асрий орзимиз — озодлик кунлари шуъласи тобора яқинлашар, иқтисодий буҳронларга қарамай юртимиз Мустақилликка юз тутмоқда эди.

**Гулнора МИРЗАҲОШИМОВА, «Туркистон» мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони
## РЕСПУБЛИКАНИНГ БИР ГУРУҲ СПОРТЧИ ВА СПОРТ УСТОЗЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Республикада жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришдаги хизматлари, тинчлик ва барқарорлик сақланишига, барча миллат ва элатларнинг вакиллари ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга, ёш авлодни ватанпарварлик ҳамда миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга қўшган ҳиссаси ҳамда Атлантада (АҚШ) ўтказилган XXVI олимпия ўйинларида катта ютуқларга эришганликлари учун қуйидагилар мукофотлансин:*

### «МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

БАГДАСАРОВ Армен Юрьевич — Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг дзюдо бўйича спортчи-йўриқчиси;

ТЎЛАГАНОВ Карим Олимжонович — Марказий ҳарбий спорт клубининг ҳарбий хизматчиси.

### «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

АТАЕВ Нариман Шамсутдинович — Марказий ҳарбий спорт клубининг ҳарбий хизматчиси;

ГАНИЕВ Рамиль Маратович — Республика олий спорт маҳорати мактабининг енгил атлетика бўйича спортчи-йўриқчиси;

ЧУСОВИТИНА Оксана Александровна — Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг гимнастика бўйича спортчи-йўриқчиси;

ЁРБЕКОВ Дилшод Ахмедович — Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг бокс бўйича спортчи-йўриқчиси.

### «ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

АҲМЕДОВ Шуҳрат Геннадьевич — Мудофаа вазирлиги жисмоний тайёргарлик ва спорт бўлимининг катта зобити;

ОЧИЛОВ Адҳам Уткурович — Марказий ҳарбий спорт клубининг ҳарбий хизматчиси;

ЗАХАРДИНОВ Дамир Минимуллаевич — Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг эркин кураш бўйича спортчи-йўриқчиси;

ИСЛОМОВ Рамиль Раисович — Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг эркин кураш бўйича спортчи-йўриқчиси;

ҚЎЗИЕВ Шермуҳаммад Холматович — Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг грек-рим кураши бўйича спортчи-йўриқчиси;

МУХТОРОВ Алишер Муҳамеджанович — Қарши давлат университети талабаси;

ПУЛЯЕВ Григорий Валерьевич — Марказий ҳарбий спорт клубининг ҳарбий хизматчиси;

ШМАКОВ Владимир Викторович — Тошкент олий ёнғинни ўчириш техника билим юрти кабинет бошлиғи;

ШТУРБАБИН Андрей Анатольевич — «Чимён» спорт клубининг дзюдо бўйича спорт устози.

### ҚУЙИДАГИЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН:

КУЗНЕЦОВА Светлана Михайловна — Республика олимпия ўринбосарлари билим юртининг катта спорт устози;

МУҲАМЕДОВ Ҳасан Илёсович — 8-Олимпия ўринбосарлари ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабининг директори;

ПЯТАЕВ Владимир Евгеньевич — «Динамо» спорт жамиятининг катта спорт устози.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 16 август.

*Истиқлол ва ёшлар*

## НАВҚИРОН АВЛОДГА ИШОНЧ

*тобора ортиб бормоқда — дейди «Камолот» жамғармасининг Сурхондарё вилоят бўлими раиси, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Жуманазар Қурбонов.*

— «Камолот» жамғармаси тузилиши республикамиз Президентининг ёшларга кўрсатган катта ғамхўрлиги бўлди. Жамғарманинг вилоят бўлими ташкил этилганидан буён ўтган қисқа вақт ичида қандай ибратли ишлар амалга оширилди?

— Бўлимимизга ишчан фидойи ёшларни жалб этдик. Уларнинг ғайрати туфайли турли тадбирлар тез-тез ҳамда мазмунли ўтказилаётир. Компьютер олиб келганлигимиз сабабли кўпчилик юмушларни амалга ошириш осонлашди. Бундан ташқари, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси билан биргаликда «Ҳамшира-96» кўрик-танловини ўтгаздик. Унда Оля Баҳромова, Санобар Ғаниева, Нодира Соқиева сингари қобилиятли ёшлар ғолиб деб топилди. Уларга бўлимимизнинг қимматбаҳо мукофотлари ҳамда фахрий ёрлиқлари топширилди.

Вилоятда ёшларни камол топтиришга йўналтирилган 170 та жамоатчилик марказлари ташкил топди. Бундай марказларни кўпайтиришда «Камолот» жамғармасининг Ангор, Денов, Бойсун, Жарқўрғон туманлари бўлимларининг ходимлари фаоллик кўрсатаётир.

«Камолот» жамғармасининг низомига мувофиқ иқтисодиёт масалалари билан ҳам кўпроқ шуғулланишга интилаяпмиз. Аввало, вилоятимиздаги ҳар бир туманда деҳқон-фермер хўжаликлари тузиш, унга ёшларни жалб этишни асосий мақсад қилиб қўйдик. Иккинчидан, ташқи иқтисодий алоқаларни тубдан яхшилаш, чет мамлакатлардан товарлар олиб келиш, хорижий давлатларга ёшларни ишга юбориш масалалари билан жиддийроқ шуғулланаяпмиз.

Бўлимимиз қошида «Камолот» компанияси ташкил топди. Натижада чет мамлакатлардан товарлар олиб келиш янада кўпайди. Хитой Халқ Республикасидан 480 тонна олий навли ун келтирилди ва аҳолига сотилмоқда. Бундан ташқари 150 тонна электрод олиб келдик. Бу компанияда кўчмас мулк биржаси ҳамда суғурта ташкилотлари билан ҳамкорликда ишлайдиган корхона очилган.

Энг асосийси, Термез шаҳрида жаҳон бозори қуришни ўз зиммамизга олдик. Бунинг учун битта механизациялашган кўчма жамлама ташкил этмоқчимиз. Бозор қурилиб битказилгач, шаҳарда икки минг кишини иш билан таъминлаш имконияти вужудга келади.

Энг муҳими, жамғарманинг вилоят бўлими қошида «Камолот» студияси ҳамда шу номдаги бадиий ҳаваскорлик ансамбли ташкил топганлигидир. Америка Қўшма Штатларида ўтаётган ёзги Олимпиада ўйинларини томоша қилиб келиш учун йигирма нафар ёшга ва уларнинг мураббийларига йўлланмалар бердик. Июнь ойининг охирида каратэ бўйича вилоят спортчилари беллашуви ҳам бўлимимизнинг ҳомийлигида ўтказилди.

Ҳар бир туманда бўлимимиз ташаббуси билан биттадан мактаб ва болалар боғчаси ташкил этишни режалаштирдик. Уларда таълим олаётган аълочи ёшларга стипендиялар таъсис этмоқчимиз. Бу мактаблар ва боғчаларда чет тилларни мукаммал ўргатиш мўлжалланмоқда. Бундан ташқари вилоятимиздаги университет ҳамда техникумларнинг аълочи талабалари учун махсус стипендиялар жорий этамиз.

Бўлимимизнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга интилаяпмиз. Бир қатор ташкилотлар жамғарманинг вилоят ва туман бўлимлари билан ҳамкорлик қилишга розилик билдирдилар. Хусусан, Термиз шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Кўзгу» жамоатчилик телевидениеси бўлимимиз тасарруфига ўтаяпти. «Истиқлол» савдо ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси эндиликда бўлимимиз таркибида иш олиб боришни маъқул кўрди. Бир нечта қурилиш ташкилотлари жамоалари шундай қарор қабул қилди. Гап шундаки, юқоридаги ташкилот ва корхоналар беш йил мобайнида солиқлар тўлашдан озод бўлиш билангина кифояланмай, ёшларни ижтимоий муҳофаза қилиш, улар ўртасида тадбирлар ўтказиш, ишга жалб этиш, имкониятига эга бўлишни асосий вазифамиз, деб ҳисоблашмоқда. Биз шундай имкониятлардан келиб чиқиб вилоятдаги бир қатор жамоа хўжаликларини ўз тасарруфимизга олишни мўлжаллаб турибмиз.

— Арғамчига қил қувват, деган гап бор...

— Қандай савол бермоқчи эканлигингизни дарров фаҳмладим. Шубҳасиз, «Камолот» жамғармаси ташкил топгач, вилоят ҳокимининг ҳам шу ҳақдаги махсус қарори чиқди. Шундан сўнг бир талай корхоналар, янги жамоа ташкилотининг оёққа туриб кетиши учун ёрдамини аямадилар. Эндиликда гап фақат бошқаларнинг мададига таянибгина қолмасдан ўз сармояларимизни янада кўпайтириб, бир қатор корхоналарда ёшлар учун иш ўринлари ташкил этишди.

— Табиийки, ҳатто янги оилада ҳам етишмовчиликлар бўлади. Шу жиҳатдан олганда жамғарманинг вилоят бўлими олдида кўндаланг бўлиб турган айрим муаммолар бутунлай ҳал этилган, деб бўлмайди, албатта...

— Тўғри айтдингиз. Ҳамма гап муаммолар олдида эсанкираб қолмасликда, деб ўйлайман. Масалан, туман бўлимларида моддий-техника базаси етарли эмаслиги рост. Аммо, янгидан сайланган раислар ва ходимлар қўл қовуштириб ўтирганлари йўқ, имкониятларни изламоқдалар. Мисол учун, «Камолот» жамғармасининг Қумқўрғон бўлими раиси Бахтигул Норматованинг елиб-югуришлари зое кетмаяпти. Энг муҳими, бўлимнинг банкдаги ҳисоб рақамига маблағ келиб тушаяпти. Чунки, Бахтигул Шароф Мирзаев номли жамоа хўжалигидан ер олди. Ундан мўл ҳосил етиштиришга интилаяпти. Бадиий ҳаваскорлик ансамбли, рассомлик цехи ва бошқа хизмат турларини кўпайтириб, молиявий аҳволни яхшилашга эришяпти. Демак, киши ҳаракат қилса, ҳар қандай муаммо ўз-ўзидан чекинар экан.

Гапнинг очиғи, ҳамма ишлар жойида, деган фикрдан йироқмиз. Баъзи туманларда ҳамон ғафлат уйқусидан воз кечилган эмас. Хусусан, Қизириқ ҳамда Бандихон туманлари раҳбарлари вилоят ҳокимининг «Камолот» жамғармаси туман бўлимининг ишини яхши йўлга қўйиш тўғрисидаги қарорини етарли даражада, дуруст бажармаяптилар. Натижада бу туманларда ишлар унчалик жонланиб кетган, дея олмаймиз.

Ҳозирги ёшлар олдида қандай муаммолар турибди? Аввало, қишлоқларда бир неча юз минглаб тенгдошларимиз яшаётганликларини унутмаслигимиз зарур.

Шу боисдан саноатни қишлоққа олиб киришни, кичик корхоналар ташкил этиб, янги иш ўринлари ташкил қилишни ўйлаяпмиз. Негаки, жамоа хўжаликларига борганимда битта бригадада беш-ўн киши ўрнига йигирма-ўттиз, ҳатто айрим жойларда қирқ нафар одам ишлаётганини кўриб ҳайрон қоламан. Нега ҳар хил корхоналар, турли хизмат кўрсатиш нуқталари қуриб, ёшларни иш билан таъминлаш, уларнинг бир қисмини қишлоқ хўжалигидан бу соҳаларга жалб этиш мумкин эмас?

Кези келганда яна бир кўнгилга тугиб юрган мулоҳазаларимни тўкиб солишнинг мавриди келди. Бу матбуотга муносабат. Айрим тенгдошларимни биламан. Қачон вақт топди дегунча телевизор қаршисида пайдо бўлиб қолади. Тўғри, телевидения энг ҳозиржавоб восита. Бироқ, гўшт ҳеч қачон сабзавотнинг ўрнини боса олмагани каби газета-журналларсиз маънавиятни бойитиб бўлмайди.

**Суҳбатдош Жовли ХУШБОҚОВ**
**«Туркистон»нинг Сурхондарё вилояти бўйича мухбири.**

